

**САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ РАҶОБАТБАРДОШЛИГИНИ
БАҲОЛАШГА ТИЗИМЛИ ЁНДАШУВ**

Абдуллаева Матлуба Нематовна

и.ф.д. (DSc), доцент, ТДТРУ

Тилляев Диёрбек Улугбекович

ТДТРУ, 1 – босқич RIQ -3 гурӯҳи талабаси

Annotation. In this article, the systematic approach to assessing the competitiveness of industrial enterprises and the factors affecting them are studied.

Keywords. Industry, enterprises, metallurgy, competitiveness, competitiveness assessment, systematic approach, efficiency indicators.

Ҳозирги вақтда бозорда рақобатбардош бўлиш учун бозорга фақат юқори сифатли товарларни етказиб бериш етарли бўлмай қолди. Истеъмолчилар учун юқори сифат билан бир қаторда, маҳсулотнинг умуман рақобатбардошлиги, ишлаб чиқариш ва бошқарувнинг юқори техник даражаси, корхона имиджи, корхонанинг товар сотиши имкониятлари каби омиллар ва бошқалар мухим рол ўйнайди.

Умуман олганда, ҳар қандай баҳолаш, шу жумладан саноат, хусусан металлургия корхонасининг рақобатбардошлигини баҳолаш ҳам баҳолаш моделининг бир-бири билан боғлиқ бўлган бир нечта таркибий қисмларини ўз ичига оладики, ушбу моделга қўриб чиқилаётган вазифани ҳал қилиш билан боғлиқ равишда қуйидагилар киради:

- баҳолашнинг мақсади;
- баҳолаш обьекти (маълум бир бозорда саноат корхонасининг рақобатбардошлиги – параметрлар ва кўрсаткичлар);
- баҳолаш субъекти (баҳолашни амалга оширувчи шахс);
- баҳолаш базаси (баҳолаш мақсадлари, тамойиллари ва усуслари, бозорда рақобатчиларнинг параметрлари ва кўрсаткичлари);
- баҳолаш натижаси.

Шуни таъкидлаш керакки, металлургия корхонасининг рақобатбардошлигини баҳолашда мумкин бўлган аниқ субъектлар таркибиغا, баҳолаш мақсадига қараб қуйидагиларни киритиш мумкин:

- бевосита ўрганилаётган металлургия корхонаси, у масалан ўзининг муайян бозордаги рақобатбардошлигини ўзи баҳолайди;
- бевосита ўрганилаётган металлургия корхонасининг буюртмасига биноан мустақил ташкилот;
- истеъмолчи (иккинчи тараф ёки истеъмолчи номидан), яъни улгуржи ёки

чакана (интуитив даражада) мижоз (ёки истеъмолчи номидан);

- давлат органи ёки у тайинлаган орган (учинчи тараф);
- меҳнат буюмлари ва воситаларини етказиб берувчи (иккинчи тараф ёки унинг буюртмасига биноан бошқа ташкилот);
- қарз берувчи, потенциал ёки ҳақиқий инвестор ва бошқалар.

Жаҳон иқтисодий тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда, замонавий шароитда саноат маҳсулотларининг рақобатбардошлиги муаммоси сифат жиҳатидан янги ўлчовга эга бўлмоқда, бу эса ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш ва саноат соҳасида таркибий силжишларни амалга ошириш мақсадида инновацион-технологик иқтисодиётни шакллантириш жараёнининг энг муносиб акси ҳисобланади¹.

Шу билан бирга, адабиётларда саноат корхонасининг рақобатбардошлигини баҳолаш усулларининг тўғри таснифи деярли учрамайди. Бироқ, рақобатбардошликтининг ажралмас қисми сифатида сифат даражасини баҳолаш усулларининг таснифи кўплаб мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган.

Ю.Я. Еленеванинг² тадқиқотида ташкилотнинг бозор қиймати кўрсаткичига асосланган ёндашув кўриб чиқилган бўлиб, у ташкилот фаолиятини ҳар томонлама баҳолайди ва бошқарув сифати ва молиявий ҳолатини тўғри акс эттиради. Ёндашув асосида саноат корхонаси ҳолатининг қуидаги асосий тавсифномалари таклиф қилинади:

- тўлов қобилияти;
- фойдадорлик;
- стратегик бошқарув;
- бошқарув тизимининг мослашувчанлиги;
- молиявий ва бошқарув шаффоғлиги;
- бизнеснинг бошқарилувчанлиги;
- инвестицион жозибадорлик.

Кўриб чиқилган ёндашувлар асосида биз металлургия корхонасининг молиявий-хўжалик фаолияти самарадорлигини акс эттирувчи мезонлар ва кўрсаткичларнинг уч гуруҳдан иборат мажмуини шакллантирдик (2.1.1-жадвал).

¹ Курбанова Д.М. Повышение конкурентоспособности промышленности Узбекистана как направление индустриально-инновационного развития страны/ Материалы науч.-прак. конф.на тему «Вопросы развития национальной экономики: российский и зарубежный опыт» Пермь, 2010.С.171-179.

² Еленева, Ю.Я. Теория и методы разработки системы обеспечения конкурентоспособности промышленных предприятий: автореф. дис. ... д-ра экон. наук. М.: 2002.

2.1.1 -жадвал

**Металлургия корхонасининг молиявий-хўжалик фаолияти
самарадорлиги кўрсаткичлари ва мезонлари³**

<i>Фаолият сифатини тавсифловчи мезонлар</i>	<i>Кўрсаткичларни ҳисоблаши усуллари</i>	<i>Иқтисодий мазмуни</i>
1. Металлургия корхонасининг ишлаб чиқариш фаолиятининг самарадорлиги	<p>1. Фонд қайтими = Махсулот таннархи / асосий фондлар қиймати</p> <p>2. Товарнинг соф фойда ва ишлаб чиқариш таннархи бўйича рентабеллиги = (соф фойда / сотиш таннархи) x 100</p> <p>3. Мехнат унумдорлиги = маҳсулотдан ялпи тушум / ходимларнинг ўртacha сони</p>	<p>Асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш самарадорлиги</p> <p>Товар ишлаб чиқаришнинг фойдалилик даражаси</p> <p>Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва ишчи кучидан фойдаланиш самарадорлиги</p>
2. Металлургия корхонасининг молиявий ҳолати	<p>1. Автономлик коэффициенти = ўз маблағлари / активлар қиймати</p> <p>2. Тўлов қобилияти коэффициенти = айланма маблағлар / қисқа муддатли мажбуриятлар</p> <p>3. Мутлақ ликвидлик коэффициенти = пул маблағлари, қисқа муддатли молиявий инвестициялар / жорий (қисқа муддатли) мажбуриятлар</p> <p>4. Айланма маблағларнинг айланниш коэффициенти = айланма маблағларнинг ўртача йиллик миқдори / маҳсулотни сотиш миқдори x даврдаги кунлар сони (ёки 365)</p>	<p>Ташкилотнинг карз манбаларидан мустақиллиги</p> <p>Ташкилотнинг ўз молиявий мажбуриятларини бажариш ва банкротлик эҳтимолини ўлчаш қобилияти</p> <p>Компаниянинг қарздорликни дархол тўлаш қобилияти</p> <p>Айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги. Айланма маблағларнинг барча ишлаб чиқариш ва муомала босқичларини босиб ўтишига кетадиган вақтга тенг</p>
3. Маҳсулотни сотиш ва силжитишини ташкил этиш самарадорлиги	<p>1. Савдо рентабеллиги коэффициенти = соф фойда / маҳсулот сотишдан олинган соф тушум</p> <p>2. Тайёр маҳсулотнинг тўпланиб колиш коэффициенти = сотилмаган маҳсулотлар ҳажми / сотиш ҳажми</p> <p>3. Ишлаб чиқариш қувватини юклаш коэффициенти = маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми / ишлаб чиқариш қуввати</p> <p>4. Реклама ва сотишни рағбатлантириш воситалари самарадорлиги коэффициенти $\Theta = \frac{(T_d \times H_t)}{100} - (U_p + U_d)$ Э - рекламанинг иқтисодий самараси, сўм.</p>	<p>Ташкилотнинг бозордаги ишининг фойдалорлик даражаси, товар нархини тўғри белгилаш</p> <p>Тайёр маҳсулотнинг тўпланиб колиш даражаси. Кўрсаткичининг ўсиши талабнинг камайганлигини кўрсатади.</p> <p>Ташкилотнинг ишбилармонлик фаоллиги, сотиш хизматининг иш самарадорлиги</p> <p>Реклама ва сотишни рағбатлантириш воситаларининг иқтисодий самарадорлигини тавсифлайди</p>

³ муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

	<p>Тд - реклама таъсири натижасида кўшимча товар айланма; сўм Нт – товарга савдо устамаси, сотиш баҳосига нисбатан % да; U_p – реклама харажатлари;</p> <p>U_d - товар айланмаси кўшимча ўсиши учун кўшимча харажатлар, сўм</p>	
	<p>5. Рекламанинг рентабеллиги</p> $P = \frac{\Pi \times 100}{U}$ <p>P – маҳсулотни реклама қилиш рентабеллиги, %;</p> <p>Π - товарни реклама қилишдан олинган фойда, сўм;</p> <p>U – мазкур маҳсулотни реклама қилиш харажатлари, сўм</p>	<p>Олинган фойданинг харажатларга нисбати. Бу кўрсаткич реклама харажатларининг самарадорлигини энг аниқ кўрсатади.</p>

Биринчи гурухга ишлаб чиқариш жараёнини бошқариш самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичлар: ишлаб чиқариш харажатларининг тежамлилиги, асосий фондлардан оқилона фойдаланиш, товарларни ишлаб чиқариш технологиясининг мукаммаллиги, ишлаб чиқаришда меҳнатни ташкил этиш кабилар киради.

Иккинчи гурухга айланма маблағларни бошқариш самарадорлигини акс эттирувчи кўрсаткичлар: ташкилотнинг ташки молиялаштириш манбаларидан мустақиллиги, ташкилотнинг ўз қарзларини тўлаш қобилияти, келажакда ташкилотнинг барқарор ривожланиши имконияти кабилар киради.

Учинчи гурухга реклама ва рафбатлантириш воситалари орқали бозорда маҳсулотни сотиш ва силжитишни бошқариш самарадорлиги тўғрисида маълумот берувчи кўрсаткичлар киради.

Компаниянинг рақобат стратегияси одатда хужумкор ва мудофаа ҳаракатларини ўз ичига олади ва улар орасида бозор шароитлари билан оқланган ҳаракатларга алоҳида эътибор беради.

Рақобатбардошликтин баҳолаш жиҳатидан энг қўп эътироф этилган тадқиқотлар М.Портега тегишли бўлиб, у ташкилотнинг рақобатбардошлигига энг қўп таъсир этувчи қўйидаги беш омилни аниқлаган:

- мавжуд рақобатчиларга қарши кураш;
- янги рақобатчилар томонидан таҳдидлар;
- етказиб берувчилар билан савдолар ўтказиш имконияти;
- истеъмолчиларнинг танлов қилиш ва улар билан савдо қилиш имкониятлари;
- муқобил маҳсулотлар ва хизматлар (аналог маҳсулотлар) томонидан таҳдидлар.

Портег кўриб чиқилган омиллар асосида бизнеснинг қўйидаги учта асосий

стратегиясини аникладики, ташкилотлар улардан фойдаланиб рақобат устунликлариға эришишга ҳаракат қылмоқдалар:

- маълум бир тармоқ ёки бизнес соҳасида энг паст таннархли маҳсулот ишлаб чиқариш учун паст ишлаб чиқариш харажатлариға эга ишлаб чиқарувчи бўлишга интилиш;

- истеъмолчиларнинг эҳтиёжлари ва талабларини тўлароқ қондириш учун маҳсулотлар ва хизматларни дифференциациялашга интилиш, бу эса ўз навбатида нисбатан юқори нархларни назарда тутади;

- қатъий белгиланган доирадаги истеъмолчиларнинг эҳтиёжлари ва талабларини паст нарх ёки юқори сифат ҳисобига қондириш учун бозорнинг асосий сегментлариға эътибор қаратиш.

Шундай қилиб, қуйидаги вазифаларни ҳал қилиш орқали рақобат устунликлариға эришиш мумкин:

- маҳсулот (хизмат)нинг сифати ва истеъмол хоссаларини яхшилаш;
- харажатларни камайтириш ва энг мақбул нарх даражасини сақлаб туриш;
- ўз маҳсулотларини бозорнинг юқори даражадаги турли-туманлиги туфайли рақобат заифлашган мақсадли сегментларга йўналтириш⁴.

Америка бошқарув ассоциацияси М. Портер модели асосида корхоналарни қиёсий таҳлил қилишнинг тизимлаштирилган моделини таклиф қилиб, ушбу модель ташкилотнинг кучли ва заиф томонларини баҳолаш имконини берувчи «SWOT-анализ» (инглизча strengths-weaknesses-opportunities-threats сўзлардан олинган) назорат варақаси ёрдамида амалга оширилади⁵. Таклиф этилган ёндашувда рақобатбардошлик кўрсаткичлари қуйидаги блоклар бўйича баҳоланди: молия, ишлаб чиқариш, ташкил этиш ва бошқариш, маркетинг, ходимлар таркиби, технология.

М. Портердан бироз кейинроқ Ж.Ж. Ламбен ташкилотнинг рақобат устунлиги ва рақобатбардошлиги ҳақидаги ўз тушунчалари ва таърифларини таклиф қилди⁶. У рақобат устунлигини маҳсулот (товар белгиси)даги ташкилотнинг тўғридан-тўғри рақобатчилардан маълум устунлигини таъминлайдиган хусусиятлар ва хоссалар сифатида аниқлаган. Бу хусусиятлар жуда хилма-хил бўлиши мумкин ҳамда маҳсулот (асосий хизмат)нинг ўзига ҳам, шунингдек асосий хизматга ҳамроҳлик қилувчи қўшимча хизматларга, корхона ёки маҳсулотга хос бўлган ишлаб чиқариш, маркетинг ёки сотиш шакллариға ҳам тегишли бўлиши мумкин.

Кўрсатилган устунлик нисбий бўлиб, бозорда ёки бозор сегментида энг яхши мавқега эга рақобатчига нисбатан аниқланади. Муаллиф ушбу энг хавфли

⁴ Портер М. Конкуренция. М.: Издательский дом «Вильямс», 2003.

⁵ Хруцкий, В.Е. Современный маркетинг: настольная книга по исследованию рынка. М.: Финансы и статистика, 2002.

⁶ Ламбен Жан-Жак. Стратегический маркетинг. Европейская перспектива. СПб.: Наука, 1996.

рақобатчини устувор деб атайди.

Биз кўриб чиқсан услубларнинг умумий хусусияти – бу рақобатбардошликни металлургия корхонасининг хўжалик фаолияти самарадорлигини билвосита ифодалайдиган омиллар мажмуи асосида аниклашдир.

Шунинг учун ташкилот ташқи муҳитининг устун омилларини қўйидагича таснифлаш мақсадга мувофиқдир:

1. Ижтимоий-иқтисодий шароитлар билан билвосита ифодаланадиган омиллар
2. Иқтисодий-хуқуқий асослар билан билвосита ифодаланадиган омиллар
3. Илмий-техник омиллар

Корхонанинг рақобат устунликларини аникладиган ички муҳит омилларини корхонанинг иқтисодий салоҳиятини ва унинг бевосита муҳитини (етказиб берувчилар, мижозлар, маркетинг воситачилари, алоқа қилинадиган кишиларни) таҳлил қилиш нуқтаи назаридан кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Муаллифларнинг фикрига кўра⁷, ҳар қандай тадбиркорлик фаолиятидаги муваффақият кўп жиҳатдан бизнесни бошқаришнинг таркибий унсери – ташкилот салоҳиятини бошқаришнинг тўғри танланган стратегияси билан белгиланади. Стратегияни танлаш, ўз навбатида, корхона салоҳияти ҳажми, салоҳиятнинг рақобатбардошлик даражаси, ташкилотнинг бозордаги улуши ва тутган ўрни, корхонани позициялаштириш мақсадлари каби бир қанча омилларга боғлиқ. Белгиланган мақсадларга боғлиқ равишда фирма бозордаги ёки бу хулқ-атвор стратегиясини танлайди. Шу билан бирга, металлургия корхонасининг салоҳиятини бошқариш технологиясининг ўзи қўйидаги босқичларни ўз ичига олади:

- 1) корхонанинг бозор улушкини, унинг салоҳиятидан фойдаланиш динамикаси ва самарадорлиги таркибини баҳолаш;
- 2) корхона салоҳиятининг рақобатбардошлигини баҳолаш;
- 3) корхона салоҳияти захиралари ва зарарларини таҳлил қилиш;
- 4) корхона салоҳиятининг рақобатбардошлигини ошириш стратегияси ва тактикаси.

Шундай қилиб, металлургия корхонаси олдида юқори динамик ишбилармонлик муҳити шароитларида рақобат устунлигига эришиш ва уни сақлаш каби муҳим вазифа туради, бу эса металлургия корхоналарининг рақобатбардошлигини баҳолашга тизимли ёндашиш масалаларининг долзарблигини оширади. Кейинги параграфда корхоналарнинг

⁷ Фостер Р. Обновление производства: атакующие выигрывают / Р. Фостер. М. : Прогресс, 1987.
Bower M. The Will to manage / M. Bower. N.Y. McGraw-Hill, 1966.

рақобатбардошлигини уларнинг тармоқ хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда рейтингли баҳолаш услубиётини татбиқ қилиш масалалари ўрганилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Наливайченко Е. В., Харишко А. А. О методологических подходах к оценке конкурентоспособности предприятий // Научный вестник: Финансы, банки, инвестиции. 2018. № 2. С.104–112.
2. Оценка конкурентоспособности производственных комплексов // В. В. Кривоворотов, А. В. Калина и др. Journal of Applied Economic Research. 2020. № 3. С. 251–285
3. Фатхутдинов Р. А. Качество и ресурсосбережение — ключевые факторы конкурентоспособности // Современная конкуренция. — Москва: Синергия пресс, 2010. № 6. С. 114
4. Щиборщ К. В. Сравнительный анализ конкурентоспособности и финансового состояния предприятий отрасли и/или региона // Маркетинг в России и за рубежом. 2016. № 5.
5. Абдуллаева М.Н. Методологические аспекты разработки стратегии развития предприятий промышленного комплекса Узбекистана/ Ж. «Общество и экономика», Москва. №7-8, 2012 г. С.101-113
6. Абдуллаева М.Н. Оценка стратегических позиций металлургических предприятий Республики Узбекистан/ Ж. «Иктисодиёт ва таълим» №2, 2021й. 101-107 с.
7. Абдуллаева М.Н. Тенденции инвестиционного развития хозяйствующих субъектов/ «Иктисодиёт ва инновацион технологиялар» Илмий - электрон журнали №1, 2021 й. http://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/12_Abdullayeva.pdf 108-115 с.